

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETINING
JIZZAX FILIALI**



**RAQAMLI JAMIYATDA FAN VA TA’LIMNING INTEGRATSIYALALASHUVI:
MATEMATIKA, IQTISOD, PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYANING YANGI
YONDASHUVLARI**
mavzusidagi Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari to‘plami
(2026-yil 20-21-aprel)

JIZZAX-2026

Raqamli jamiyatda fan va ta’limning integratsiyalalashuvi: matematika, iqtisod, pedagogika va psixologiyaning yangi yondashuvlari. Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari to’plami – Jizzax: O‘zMU Jizzax filiali Amaliy matematika kafedrası, 2026-yil 20-21-aprel 505-bet.

Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman materiallarida zamonaviy kompyuter ilmlari va muhandislik texnologiyalari sohasidagi innovatsion tadqiqotlar aks etgan.

Globallashuv sharoitida davlatimizni yanada barqaror va jadal sur’atlar bilan rivojlantirish bo’yicha amalga oshirilayotgan islohotlar samarasini yaxshilash sohasidagi ilmiy-tadqiqot ishlariga alohida e’tibor qaratilgan. Zero iqtisodiyotning, ijtimoiy sohalarini qamrab olgan modernizatsiya jarayonlari, hayotning barcha sohalarini liberallashtirishni talab qilmoqda.

Ushbu ilmiy ma’ruza tezislari to’plamida mamlakatimiz va xorijlik turli yo’nalishlarda faoliyat olib borayotgan mutaxassislar, olimlar, professor-o’qituvchilar, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining ilmiy xodimlari, tadqiqotchilari, magistr va talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari mujassamlashgan.

Mas’ul muharrirlar: DSc.prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M.

Tahrir hay’ati a’zolari: p.f.d.(DSc), prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Tovboyev, t.f.n., dots. Baboyev A.M., t.f.f.d.(PhD), prof. Abduraxmanov R.A., p.f.f.d.(PhD) Eshankulov B.S., p.f.n., dots. Alimov N.N., p.f.f.d.(PhD), dots. Alibayev S.X., t.f.f.d.(PhD), dots. Abdumalikov A.A, p.f.f.d.(PhD) Hafizov E.A., f.f.f.d.(PhD), dots. Sindorov L.K., t.f.f.d.(PhD), dots. Nasirov B.U., b.f.f.d. (PhD) O’ralov A.I., p.f.n., dots. Aliqulov S.T., t.f.f.d.(PhD) Kuvandikov J.T., i.f.n., dots. Tsoy M.P., Sharipova S.F., Jo’rayev M.M.

Mazkur to’plamga kiritilgan ma’ruza tezislarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to’g’riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalar, keltirilgan takliflarga mualliflarning o’zlari mas’uldirlar.

ШЕЪРИЙ МАСАЛДА МУАЛЛИФ КОНЦЕПЦИЯСИ УЙЁУНЛИГИ ВА КЕЧИНМА ТАБИАТИ

Джалолатдинова Фотима Таджитдиновна

Алфраганус Университети

Филология факультети ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада шеърий масалнинг ўзбек адабиётига таъсири талқин этилади. Жумладан, шеърий масал ёзувчилар ҳамиша дард билан бақати бўлади. Тарбия ва мулоқот тушунчаси ўз ифодасини топади.

Калит сўз: дидактика, образ, сюжет, лирик кечинма, фалсафийлик, этика, эстетика.

XV асрда Навоий ва Жомий, бошқа мумтоз масалнавислар асосан, лирик йўсинда ифода қилиш йўлидан бордилар. XVIII асрга келиб Гулганхий “Зарбулмасал” асарида лирик, драматик, эпик йўсинда воқеликни ифодалаб, синкретик йўсинда юзага чиқарди. Кейинчалик XX аср бошларига келиб И.Крилов рус адабиётида, ўзбек адабиётида Элбек, Ҳ.Олимжон, А.Орипов, М.Худойкулов ва бошқа-да, шоирлар асосан, лирик турдан унумли фойдаланиб масаллар ёздилар. Гулҳаний “Бойўғли билан Япалоққуш”, “Тошбақа билан чаён”, “Туя билан Бўталоқ” каби масалларидаги ҳикоятларни лирик кечинма орқали, шеърий тарзда инкишоф қилиб, хилма-хил образларни гадлантира олдилар. Булар ўз навбатида, ижодкорга бениҳоя эркинлик бериб, инсон туйғулари нақадар рангин ва ўзига хос эканлигини далолатлайди.

Адабиётшуносликда бадий-тасвирий воситалар ҳақида сўз борганда, аввало, кечинма табияти билан ҳам мунозарага киришиш лозим. Масалан, “Зарбулмасал”да жонлантириш, метафора, ташбеҳ ва бошқа бадий санъатлар кўзга ташланадики, ундан олам-олам маъно ҳосил қилиш мумкин: “Жонлантириш – кенг маънода метафоранинг бир кўриниши, жонсиз нарсаларга инсон, умуман, жонли мавжудотга хос сифатларнинг берилиши. Шунингдек, жониворларга инсонга хос сифатларнинг берилиши ҳам жонлантиришнинг бир кўриниши (антропорфизм) саналади. Жонлантириш бадий асарда турли даражада воқе бўлади: 1) стилистик фигура. Инсон тафаккурига хос аналогиялар асосида (метафорик) фикрлаш, тил бирликлари билан боғлиқ ҳолда ва муайян нарсаларга жонли мавжудотларга хос хусусиятлар берилади”⁵⁹. Бинобарин, шеърий матнда жонлантириш санъати жуда кўп ўринларда туйғу ва образлиқни кучайтириш, инсон феъл-атвори ва шеърдаги воқеликни ишонарли тарзда етказиб бериш борасида алоҳида аҳамият касб этади:

“Алқисса, Кўркуш йикила-йикила, Кулонкир султон даргоҳига равона бўлуб, сарманзилига етди. Кўрдиким, ажаб шан-шавкатлик боргоҳи бор эканки, савсан кўп тил бирлан анинг васфидин ожиз ва ҳар турлук муарриф таърифи анинг шаънида ночиз”⁶⁰.

*Кўрди тикилган эди бир боргоҳ,
Боргоҳи хисрави анжум сипоҳ*⁶¹.

*Кунгираси кўкка тегиб ўрдалар,
Хаймау хиргоҳу сарпордалар.*

⁵⁹ Курунов Д., ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. Т: “Академнашр”. 2013. –Б.102.

⁶⁰ Кўрса, шундай ажойиб саройи бор эканки, сафсар гул кўп тилли бўлса ҳам, унинг мактовига ожизлик қилар ва ҳар қандай таъриф қилувчи, тасвирловчи одамнинг таърифи унинг гўзаллигини ифодалай олмасди.

⁶¹ Аскар юлдузлар каби сон-саноксиз бўлган улуг подшоҳнинг саройидек эди.

*Бир неча қушлар била ҳамроз ўлуб,
Булбул-қумри била дамсоз бўлуб.*

*Нағмаи қонунлигини соз этиб,
Даъвийи Фиравнлиг оғоз этиб*⁶².

Кўркуш бу асоси боло қиёси кўруб⁶³, боргоҳ даврвозасидин “Салом, ҳай-ҳай!” овозининг савлатидин киролмай ўлтуриб қолди. Кулонкир султон хизматида бир Куйкунак отлиғ куллари ҳозир эрди. Кулонкир султоннинг Кўркушга назари тушиб, Куйкунакга буюрдиким: “Бориб ғуломгардишда ўлтурғон ё оч ва яланғочликдин келдимۇ? Сазовари хайр бўлса, мунда олиб кел”

Анда Куйкунак илгари қадам қўйуб, Кўркушнинг олдиға келиб айдиким: “Эй бобо, қайси ошённи баланддин парвоз қилдингиз?”⁶⁴.

Лавҳада, лирик “мен” Кўркуш ва Куйкунак орасидаги мунозара билан реал моҳият касб этади. Чунки лирик кечинма табиатида ҳайвонлар, жонсиз нарсалар иштирок этар экан, Гулханий образлиликни кучайтириш мақсадида шеърый санъатлардан унумли фойдаланади. Лирик қаҳрамон асар воқеалари силсиласида янада ўзига хос манерада кечинма табиатини аниқлик сари бошлайди. Дунёнинг ҳар бир синоатлардан ҳабордор бўлган кўзи кўр бўлса-да, қалби очик Кўркуш ҳамма воқеаларни синовдан ўтказди. Таҳлил қилади, мунозарага олиб боради, энг қимматли ва керакли маслаҳатларни эгасига етказувчи образ сифатида эркин ҳаракатланади. Кўркушнинг “Зарбулмасал” бадийида жуда катта ўрни мавжуд. Шу қуш воситасида Япалоққуш билан Бойўғли қуда-андачилик ришталарини боғлайди. Синовлар, изтироблар, ҳамда айрилиқлар, тақдирлар каби мотивлар лирик қаҳрамон тафаккурини чандон ўстириб, одамларга чиройли кайфият бахш этишда қўл келади. Айниқса, Гулханий лирик асарлар қўллашидан далолат шундан иборатки, фалсафий-эстетик қамровнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, лирик қаҳрамоннинг ўта узоқни кўра олиш манерасини ҳам талқин этиб боради.

Проф.Н.Раҳимжонов: “Ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш ўзбек шеърятини тараққиётининг барча даврлари учун ҳам бош хусусият бўлиб келган. Лекин унга эришиш йўллари кўп, усуллари ниҳоятда хилма-хил. Хусусан, мажозий образлилик ҳақ сўзни айтишнинг, воқеликни реалистик идрок этишнинг шаклларида бири. Шеърға ёлғон ёт. У ўлим билан баробар. Шоир ўзимни ўлимдан-ёлғондан асраши керак. Шу маънода, ҳар бир шеърнинг юзага келиши, бу-ўлим билан юзлашиш керак. Ҳар бир одам, шу жумладан, шоир ҳам ўзи билан ўзи курашиб яшайди. Ана шу жараён – ўзи билан курашишнинг ўзи санъат, қолган ҳаммаси омилкорлик. Шу боисдан ҳам шоирнинг ўз жонини сақлайдиган жойи йўқ. Бу рост ва ёлғон, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим оралиғидан бир ҳовуч ҳаво, бир чимдим нафас. Бир Сўз. Уни кўзига тўтиё этувчи ҳам, оёқлар остига ҳазондек сочгувчи ҳам аслида ижодкор. Сўзни шоирга Худонинг ўзи беради. Сўзини ҳам ўзи олади”⁶⁵. Бинобарин, манбадан билиш мумкин, ҳар қандай ижод маҳсули бир-биридан шаклу шамоийли, даври ва замони билан тубдан фарқланади. Ана шу фарқланиш сурункали давом этаверади. Ундан гўзал ташбеҳлар топиш мумкин бўлади. Бундай пайтда ўз-ўзидан илҳом олиш, ҳаётдан завқланиш, Яратганнинг даргоҳига боришга етаклайди. Бу ерда РУҲ парвоз қилади. У руҳ ҳамиша тирик бўлиши талаб қилинади. Маълумки, “тасаввуф “қалб”, “руҳ”, “ақл”, ва “нафс” каби маъноларни алоҳида эҳтимом ила тушунтиради ва уларнинг ҳар бирига мусулмон банда қандай муносабатда бўлиши

⁶² Қонун номли мусиқ асбобининг нағмаларини созлаб. Фиравнлик даъвосини бошлаб.

⁶³ Пойдевори баланд бинони кўриб.

⁶⁴ Ўша асар, -Б.17-18.

⁶⁵ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Т., Фан. 2007. –Б.97.

зарурлигини баён қилиб, ўша баённинг татбиқ қилинишини ҳам йўлга қўяди. Тасаввуфнинг номларидан бири “руҳий тарбия” бўлгани ҳам шундан. Тасаввуфда “қалб”, “руҳ”, “ақл”, ва “нафс” деб аталадиган маъноларни аниқ билиб олиш катта аҳамият касб этади. Бу нарсаларнинг ҳар бирининг ҳақиқатини англаб етиш ва уларни бир-биридан ажратиб олиш ҳам осон эмас”⁶⁶. Гулҳаний шеърятининг аксарияти ана шу учликка: **қалб, руҳ ва ақлга** таяниб иш кўради. Ундан олам-олам маънолар ҳосил бўлади. Бу маъноларнинг ҳар бирига ўзига хос йўсинда ёндашилиб, гўзал ташбеҳлар яратиш мумкин. Мутасаввуф шоир наздида ҳам олам бир бутундир. Унга борадиган йўллар ҳам мантиқан бир-бирига уланган. Унинг моҳиятида аксланган ҳаётий хулосалар шахслик мақомини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам олимлар ҳар бир сўзида собит қадам бўлиб фаолият юритадилар. Буни ҳал қилишнинг ягона йўли ҳам аслида, Борлиқни англаш ва уни тушунишга етаклайди.

Проф. И.Ҳаққулов шундай ёзади: “Ҳар қандай ижодкорнинг адабиётдаги ўрни ва мавқеи, аввало, унинг миллий адабиётга қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Бу эса қайси бир шакл ва тамойилда бўлмасин, янгилик яратиш демак. Энг қийини ҳам ижодда – мана шу. Шарқ шеърятининг бир хусусияти – янгилик нияти билан эскини давом топтириш, яъни ишланган, сайқал берилган адабий-эстетик анъаналардан четлашмай қалам юртишдир. Фақат ғоя ва мавзу эмас, шакл ва ифода усулларидаги ўхшашлик ҳам шундан. Шеърятнинг ўзига ишончини муҳофаза этиш билан бир қаторда, ташқи таъсирлардан юзага келувчи иллат ва нуқсонлардан ҳам анъана уни асрайди”⁶⁷. Инсоннинг жамиятда тутган ўрни бадиий-эстетик тафаккурга бўлган муносабати билан белгиланади. Чунки жамият ҳар қандай вазиятда ҳам онгли ва тафаккурли қатламни табриятлашни бош мезон деб билади. И.Ҳаққул ҳам ана шу мезонни янада кучайтиришни илгари сурмоқда. XVIII асрнинг 90-йилларидан кейинги ўзбек шеърятини тамомла мумтоз анъаналардан узоқлашиб кетмасдан, янгича йўл ва мазмуний-ғоявий таянч нуқталарини топишга ҳаракат қилди. Бу борада шоирлар ўзларининг ижтимоий дунёқарашини ҳам такомиллаштиришга катта имкон топди. Шу тариқа ўзларининг инсонлик позициясини бажаришга ҳам киришди:

“Бойўғли айди: “Ҳикоят қил!”

Кордон айди:

*Будааст хареки дум набудааш,
Рўзе ғами бедуми фузудааш.
Дар бодияҳо қадам ҳамезад,
Дум металабиду дамнамезад.
Ногоҳки рўзи ихтиёри,
Бигуздашт миёни кишитизоре.
Дехқон мағараи зи дур медид,
Баржасту варо ду гўш биррид.
Мискин ҳарак орзўи дум кард,
Ноёфта дум ду гўш гум кард*⁶⁸.

Мундин нари бир бузук чордеворнинг отини тутма. Тишинг синар. Эмди сен ҳам куйшқондин⁶⁹ ташқари чикма, суннат бажо кегудек иш қилиб жўната бер. Бир

⁶⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент “Hilol-nashr”. 2019. –Б.68

⁶⁷ Ҳаққулов И. Талант – жасорат жавҳари. –Т.: “Муҳаррир”. 2018. –Б.72.

⁶⁸ Мазмуни: бир думсиз эшак бор эди. у бир куни демининг ғамида йўлга чиқди; саҳроларни кезди, дум истаб, унга эриша олмади. Иттифоқо бир кун йўлга чиқиб, экинзорнинг ўртасига тушди. Узоқдан уни деҳқон кўриб қолди ва югуриб бориб, унинг икки қулоғини кесиб олди. Бечора эшак дум орзу қилиб, уни тополмади, аксинча, ўзининг икки қулогидан ажралди.

масалдурким: “Нтим қизга елпуғуч чикора?” дегандек, ҳоло сен ўзингнинг Қубод шахристонингни Кайқубоди сонуб, бизни манзур этмадинг...”⁷⁰

Лирик кечинма табиатида шу нарса аёнки, Гулханий бу масал билан Бойўғлининг қиз беришга розилигини тезлатириш учун турли хил қизиқарли ривоят-масалларни келтиради. Бойўғли буларни мазза қилиб эшитади. Ўзига тегишли хулосалар ҳам чиқаради. Бирок, шундай бўлса-да, етти ўлчаб бир кесишни афзал билади. Гулханий ушбу дидактик асарида инсонлараро муносабат тифзлигини ҳам келтираркан, ҳаётнинг ўзидек қилиб жонлантиради. Бу санъат адиб ижодида ягона эстетик мезон ҳисобланиб, бадий қийматини фақатгина оширишга муносиб таъсир кўрсатади.

Муҳаммадшариф Гулханий ижодининг дидактик аҳамияти XX асрда жуда кўплаб шоирларга таъсир қилган. Ўзбек шеърятининг ёрқин шоирларидан бири Муҳаммад Раҳмон ҳам масалнамо шеърлар ёзиб, катта адабий мерос қолдирди ўзидан:

Муҳаммад Раҳмон деган шоирнинг шарафли ва ибратли ижод йўли эди.

*Яхшилик қилдим мен чумолиларга-
Бир кечада юз ботмон донни саралаб беришди.
Сичқонларга яхшилик қилдим-
Лаҳм ўйиб зиндон остидан
Махбусликдан халос этдилар.
Балиқларга яхшилик қилдим-
Сув ости салтанатига олиб тушишди.
Қушларга ҳам яхшилик қилдим-
Семург қанотида ўтказиб
Кўҳиқофга етказди мени.
Одамларга яхшилик қилдим-
акаларим қудуққа ташлаб кетишди
икки кўзимни ўйиб*^{71 32}

Инсонни бошқа мавжудотдан фарқли томон ҳам шундаки, у яхшилик қилишни билади. Яхшилик чумолидан бошланиб, қушларгача яхшилик қилди. Ҳатто кемирувчи сичқонга ҳам яхшилик қилиб унинг мукофатин олганлигини, инсонга қилиб яхшилик унинг узини қудуққа ташлаб кетганини аянчли тасвирлайди. [Қуръони карим. Юсуф сураси]. Воқеаларидан тасирлангани сезилади. Юсуф алайисаломни ўз акалари томонидан қудуққа ташлаб, отасига Юсуфни бурилар еб кетди деб қонли қуйлакни кўрсатишади. Отаси эса Юсуфни хажрида йиғлаб-йиғлаб қушлари қур бўлиб қолади. Юсуфни эса йўловчилар қудуқдан чиқариб қул қилиб сотиб юборади. Очарчилик замон келиганида Юсуф акаларини қунига ярайди ва халқини очликдан сақлаб қолади.

Муҳаммад Раҳмонни шеърларида инсонни севиш, унинг вазифаларига лаббай деб жавоб берган ижодкорнинг қалб кечинмалари, булар ўз навбатида эрк ва озодлик тушунчасини ифодалашида қабариб кўринади. Инсоншунослик ҳақида шеър ёзиш энг машаққатли иш эканлигини Муҳаммад Раҳмон ушбу шеърида ҳам чин сўзлари билан исботлаб бера олган. Гулханий ўзининг “Зарбулмасал” асарида ана шу позицияда туриб оилавий парокандаликка олиб келадиган панд-насихатларни туйғулар негизда очиб

⁶⁹ Қуйшқон – от жабдуқларидан бири. Бу асбоб эгарни отнинг бўйнига тушиб кетмаслиги учун орқа томондан отнинг думи ости орқали тортиб туради. Шу муносабат билан қуюшқоннинг икки учи эгарнинг икки томонидан тортиб туради.

⁷⁰ Ҳозирда сен ўзингнинг Қубод шахристонингни Кайқубоди ҳисоблаб, бизни мақбул кўрмадинг.

⁷¹ Муҳаммад Раҳмон. Сайланма. Тошкент. Шарқ нашриёти -2010. 110.б

³² Муҳаммад Раҳмон. Сайланма. Тошкент. Шарқ нашриёти -2010. 110.б

беради. Айни дамда, бошқа-да шоирларга ўз таъсирини ўтказди. Масалнинг аллегорик сифатларини бойитади, инсоннинг сахийлиги ва ҳасадўйлигини солиштириб беради. Яна бошқача айтганда ҳаёт ҳақиқатини ўзига хос тарзда намоён қила олади.

ФОРМИРОВАНИЕ АКТИВНОГО СЛОВАРЯ ЧЕРЕЗ АУТЕНТИЧНЫЕ ПОДКАСТЫ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Ибрагимова Нилуфар Тўйчиевна

Наманганский государственный педагогический институт

Старший преподаватель (PhD) кафедры филологии

Аннотация. В тезисе рассматриваются методические возможности аутентичных подкастов в формировании активного словаря студентов, изучающих русский язык как иностранный. Обосновывается необходимость опоры на подкасты как источник современной звучащей речи, контекстуализированной лексики и коммуникативных моделей. Предлагается поэтапная система работы: предтекстовая, притекстовая и послетекстовая. Показано, что систематическое использование подкастов способствует актуализации лексических единиц, развитию речевой инициативы, повышению мотивации и переходу слов из пассивного запаса в активный в условиях цифрового и коммуникативно ориентированного обучения процесса.

Ключевые слова: аутентичные подкасты, активный словарь, русская лексика, русский язык как иностранный, аудирование, говорение, лексические упражнения.

Введение. Современная методика преподавания русского языка как иностранного ориентируется не только на усвоение языковой системы, но и на формирование способности использовать лексику в реальном общении. В этой связи особое значение приобретает активный словарь обучающихся, то есть тот объем слов и выражений, который студент способен самостоятельно и уместно использовать в устной и письменной речи. Для уровня В1 данная задача особенно актуальна, поскольку на этом этапе учащийся уже должен понимать основное содержание ясной нормативной речи на знакомые темы и уметь поддерживать относительно свободное высказывание в типичных учебных и бытовых ситуациях[1]. Однако в практике обучения нередко наблюдается разрыв между рецептивным знанием слова и его продуктивным употреблением. Студент узнает единицу в тексте или аудиозаписи, но затрудняется включить ее в собственное высказывание. Одним из эффективных средств преодоления этой трудности выступают аутентичные подкасты, сочетающие современный речевой материал, естественный контекст и высокий мотивационный потенциал.

Основная часть. Под аутентичным подкастом в обучении русскому языку следует понимать цифровой аудиоматериал, созданный для реальной коммуникации, а не специально для учебника. Его методическая ценность состоит в том, что обучающийся слышит живую речь, актуальную лексику, частотные модели словоупотребления, коллокации, оценочные слова и дискурсивные маркеры. Исследования по проблеме аутентичных материалов подчеркивают, что их использование позволяет приблизить учебную коммуникацию к естественной, но требует продуманного отбора текста и адекватной организации заданий[2]. Следовательно, подкаст не может рассматриваться как самоцель; он становится результативным только тогда, когда включается в систему лексической работы.

Формирование активного словаря предполагает не механическое накопление слов, а постепенное овладение их значением, формой, сочетаемостью, прагматическими особенностями и готовностью к употреблению в речи. Как показывает современная